

1-МАВЗУ: Олий маънавияти предмети, мақсади ва вазифалари.

РЕЖА:

1. Мустақиллик, маънавиятга ва маърифатга эътиборнинг кучайиши.
2. Предмети ва унинг бошқа фанлар билан алоқаси.
3. Мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон қарийиб 150 йиллик мустамлакачилик зулмидан қутилиб, 1991 йил 31 августда ўз сиёсий мустақиллигини эълон қилди.

Мустақилликка эришилгандан кейин ўтган 19 йил ичида иқтисодий ва маънавий мустақилликка эришиш бўйича ҳам кўп ютуқларни қўлга киритди.

Миллатнинг тарихий хотираси ёдга тушурмай ўзлигини англашга йўл очмай туриб маънавий юксалишга, иқтисодий юксалишга ҳам эришиб бўлмайди.

Мустамлакачилик даврида бир неча авлод ўзининг бой маънавиятидан ажралган ҳолда тарбияланади. Мустақиллик туфайли бутун миллат олдида ўз маънавиятини қайта тиклаш, ўзлигини англашбек буюк ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа турар эди.

Шунинг учун ҳам маънавият масаласини республика Президенти Ислам Каримов давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Хусусан, Президентнинг 1994 йил 23 апрелда республикамизда “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиги марказини тузиши тўғрисида 1996 йил 9 сентябрда эса “Маънавият ва маърифат” маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида 1999 йил 3 сентябрдаги “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонлар ва 1998 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида махсус қарори қабул қилинди.

Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўхна тарих, балки янги тарих ҳам бунга кўплаб мисоллар беради.

Маънаият тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбидаги камол топиши учун қалбан ва виждонан ақл ва қўл билан меҳнат қилиш керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди. Бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди. Фожалар вақтида омон сақлаб қолади, иродани мустаҳкамлайди.

Аҳолини, жумладан шлар маънавий руҳда тарбиялашда оила асосий рол ўйнайди. Чунки оилада маънавиятнинг тамал тоши қўйилади.

Оила маънавияти курчининг асосий мақсади оиланинг жамият ҳаётида ва шахс тарбиясида ўрнини очиб беради. Ушбу фан ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга унга фидоийлик ва шу билан бирга миллий истиқлол ғояларини сингдиришда оиланинг бениҳоя катта эканлигини тушунтиришни асосий вазифа қилиб қўяди. Дастурда оила жамиятнинг ажралмас бўлаги эканлиги, оиладаги соғлом маънавий муҳит вояга етиб келаётган ёш авлод тарбиясида аҳамияти муҳим эканлиги, оиладаги маънавий муҳитни янада юксалтиришда миллий ва умуминсоний қадриятлардан, дин ва диний қадриятлар, маънавий меъросимиздан миллий урф-одатларимиздан фойдаланишнинг самараси катта эканлиги очиб берилади.

Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси. Оила маънавияти фалсафа, этика, эстетика, дин тарихи, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, педагогика ва бошқа фанлар билан боғлиқдир.

2-мавзу: Соғлом авлод – жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили.

РЕЖА:

1. Соғлом авлодни тарбиялаш муаммоси.
2. Комил инсонни тарбиялашда оиланинг роли ва ўрни.
3. Ёш авлодни тарбиялашда миллий ғоянинг роли.

1. Янги қадам қўйилган ХХІ аср маънавиятга устувор аҳамият бериладиган давр бўлди. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётини табиий бойликлар эмас, балки инсон маънавият сохиби бўлган соғлом инсонлар амалга оширади.

Маънавият инсоннинг асосий моҳиятини ифодаладиган, унинг фаолиятига ижобий мазмун ва йўнилиш берадиган ички рухий омилидир. Жамият ривожланиши фан ва техника тараққиёти жадал ривожланаётган ахборот оқими глобаллашаётган, бозор иқтисодиётига ўтиши жараёни давом этаётган ҳозирги даврда юксак маънавиятли кишиларни тарбиялаш инсоният олдида турган энг асосий вазифалардан биридир.

Инсон маънавиятининг дастлабки куртаклари оилада шаклланади. Оила мустаҳкамлиги ахлоқий, ҳуқуқий барқарорлиги комил инсонни тарбиялашнинг биринчи заминидир.

Оила ижтимоий табиий оиллар асосида шаклланган кичик жамоа бўлиб, икки жинсга мансуб бўлган шахслар ўртасида муносабатлар натижасида насл қолдириш эҳтиёжидан келиб чиққан шаклидир. Насл қолдириш деганда фақат фарзандни дунёга келтиришгина эмас, балки уни маънавий ва жисмоний камол топтиришдан ҳам иборатдир.

Оилани бошқариш жамият ҳаётини бошқаришнинг куртаги ҳисобланади. Оила аъзолари ўртасидаги яқинлик, боғлиқлик, ишонч, ҳурмат самимийлик, бурч ва масъулиятни ҳис қилиш, талабчанлик, мулойимлик, болалар ички дунёсини шакллантиришга таъсир этадиган рухий омилдир.

Жамият тараққий этган сари маънавий оилларнинг ўрни ва роли ҳам ортиб боради. Оиладаги тарбияга эътибор ҳам кучаяди. Бундай ҳолатда муҳим вазифа оиладаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ота-онанинг фарзандлар олдидаги, фарзандларни ота-она олдидаги бурч ва масъулиятини

кучайтиришдир. Бундай муҳитни яратишда жамият, давлат, жамоатчиликнинг ўрни катта. Агар уларнинг таъсири етарли бўлмаса оиланинг фарзанд тарбиясидаги ўрни ҳам заифлашади.

Оиланинг жамият ҳаёти ва тараққиётидаги аҳамияти тўғрисида А.Фитрат шундай деган эди: “Ҳар бир оиланинг саодати ва иззати, албатта шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади, мамлакат ва миллат ҳам шунга кучли ва тартибли бўлади. Оилавий муносабатлар заиф бўлса интизомсизликка йўл қўйилса шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади”¹.

Оилани мустаҳкамлаш ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга жаҳондаги нуфузли ташкилотлар катта ҳисса қўшмоқдалар. БМТ 1979 йил 18 декабрда “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида конвенция” қабул қилинди. Бу конвенция жамиятдаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш оилани ижтимоий, иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш ёшлар тарбиясини янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатдир.

Жамиятда таълим-тарбия берувчи ташкилотлар кўп бўлсада уларнинг бирортаси ота-она ўрнини тўла боса олмайди. Шунинг учун ҳам конвенцияга хотин-қизлар ҳуқуқларини камситилишининг барча кўринишларига барҳам бериш, биринчи навбатда тарбиявий имкониятларини яхшилашнинг энг долзарб масала қилиб қўйган. Тенг ҳуқуқли юксак манивиятли аёлгина фарзандларига давр рўзи, талабларига монанд тарбия бериши мумкин. Аёл ҳақ-ҳуқуқини камситиш ёшлар ҳуқуқини ҳам поймол қилиш демакдир.

Конвенцияга ҳар бир инсон жинсидаги фарқларидан қатъий назар барча ҳақ-ҳуқуққа эгадир. Мазкур конвенциянинг мақсади эркак ва аёлларга тенглик асосида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар берилишини англатади”².

Конвенцияни маъқуллаган барча давлатлар хотин-қизлар камситилишининг барча шакллари қоралаб, йўл қўйилган қонунсизликлар

¹ Фитрат Абдурауф. “Оила”, Тошкент, “Маънавият”, 1998 й, 8-бет.

² “Хотин-қизлар ҳуқуқларини камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида Конвенция”, 1998 йил, 5-бет.

ва адолатсизликларнинг кўринишларига бархам бериш мажбуриятларини оладилар.

Мустақил Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлаш, кўп болали оилаларни ижтимоий химоялаш, манавий етук, жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги кўрилаётган тадбирлар шу конвенцияга асосланган. Фарзанд тарбиялашда кўп асрлик миллий педагогика анъаналари, умуминсоний кадриятлардан кенг, оқилона фойдаланишга мамлакатимизда катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов кўрсатиб ўтганидек, “Оила кадриятлари ва қон-қариндошлик муносабатларининг қайта тикланиши ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий ва касб жиҳатдан эркин бўлиши имкониятини ангатиши лозим”¹.

1998 йилнинг Оила йили, 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилиниш мазкур вазифага қаратилган тадбирлардир.

1998 йил май ойида Республикамизда “Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси” қабул қилинди. Мазкур кодекс ўз моҳияти билан мамлакатимизда маънавий муҳитни барқарорлаштиришга оналик ва болалик ҳуқуқларини химоя қилишга, ёшлар тарбиясини яхшилашга барча имконият ва шароит яратишга қаратилган.

Кодексда қўйилган яна бир масала оила қуришда ёшларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, диний эътиқоди, келиб чиқиши камситилмаслигидир.

Ўзбекистонда 2000 йил “Соғлом авлод йили” деб эълон қилиниши республикамизда маънавиятни юксалтиришга, ёшларни тарбиялашга қаратилган муҳим тадбирдир. Мазкур масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Дастурда қуйидаги вазифалар устувор қилиб белгиланди.

1-Вояга етиб бораётган ёш қизларни оилада, мактабда оилавий ҳаётга, турмушга, фарзанд кўришга ва уларни тарбиялашга маънавий, ахлоқий, психологик, жисмоний тиббий жиҳатдан тарбиялашдир.

2-муҳим вазифа – ёшларда соғлом оила ҳақидаги тушунчани шакллантиришдир. Йигит ва қизлар мустаҳкам оилани шакллантириш борасидаги миллий анъаналаримиз, кадриятларимиз ҳақида ёшлигиданок тўла ва тўғри тасаввурга эга бўлишлари керак.

¹ И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида”. Тошкент. “Ўзбекистон” 1997 йил, 747-бет.

3-муҳим масала – оналар ва ёш болаларга ғамхўрлик қилиш, уларни саломатлигини мустаҳкамлаш, моддий таъминотни яхшилаш учун шароитлар яратишдир. Чунки соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади.

4-муҳим масала бир ёшгача бўлган чақалоқлар ҳаётини асраш. Чунки чақалоқ танаси чиниқмаганлиги сабабли, шу даврда керакли моддалар етишмаслиги сабабли турли касалликларга чалинадилар. Шу даврда болалар саломатлигига катта эътибор бериш зарур.

5-муҳим масала – болалар бир ёшдан беш-олти ёшгача бўлган даврда уларни саломатлигини мустаҳкамлаш, тарбиясини тўғри йўлга қўйишдир. Жисмоний чиниқади, организм ўз фаолиятини маълум меъёрга тушуради. Шу даврда чиниққан бола кейинроқ бақувват бўлади. Боланинг маънавий камолот имкониятлари шу даврда шаклланади.

6-муҳим масала ногирон болаларни давлат томонидан ҳимоялашни кучайтириш, уларни ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдамлашиш. Яна бир муҳим масала болаларни мактаб таълимига тайёрлашдир. Ота-онаси, турар жой йўқ болаларга меҳр-мурувват кўрсатиш.

Болаларни бўш вақтини банд этиш.

Қизларга рўзғор ишларини ўргатишда ота-оналар ва мактаб ҳамкорлигини таъминлаш муҳимдир.

Соғлом аводни тарбиялаш ва вояга етказишда миллий ғоянин ўрни ва роли беқиёсдир. Тарбия муаммолари инсоният тарихининг барча даврларидаги ғоялар ва мафкуралар тизимидан ҳам катта ўрин олган. Инсон онги ва эътиқоди учун бўлган курашлар ёшлар тарбиявий йўллар билан таъсир этилган.

3-мавзу: Оилавий бурч ва масъулиятнинг ижтимоий ва маънавий асослари.

РЕЖА:

1. Оила жамиятнинг муҳим таркибий қисми.
2. Оиланинг шаклланиши ва ривожланишига асос бўлган ахлоқий ҳуқуқий омиллар.
3. Маънавий ва диний қадриятларимизда, оилавий масъулиятга бўлган талаблар.

Оила жамиятнинг таркибий қисмидир. Оиланинг шаклланиши ва ривожланиши бевосита жамият ҳаётидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий муносабатлар билан боғлиқ равишда амага оган. Жамиятдаги барча ўзгаришлар, одамларнинг турмуш тарзи, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари, миллий ахлоқ нормалари, психологияси, диний эътиқодлари оилавий муносалатларнинг шакли ва мазмунига таъсир қилган. Шу сабабли оилавий муносабатларнинг ахлоқий, ҳуқуқий, ижтимоий мезонлари ҳам ўзгариб турган.

Матриархат ва матриархат давридаги оилавий муносабатлар жамият тараққиётининг муайян босқичидаги ижтимоий, иқтисодий имкониятлар билан белгиланган. Тарихда шундай даврлар бўлганки, оила қурган эр ва аёл бирга эмас балки ўзлари мансуб бўлган уруғ ва қабилаларда яшаганлар. Оила доимо ривожланишда бўлиб, унинг шакли ва тарбиявий имкониятлари ўзгариб турган. Бир эр ва хотиндан иборат бўлган Моногам оиланинг шаклланиши жамият тараққиётининг маълум бир даврлардаги имкониятлар, эҳтиёжлар, маънавий эътиқодлар асосида вужудга келган.

Тарихий тараққиётнинг маълум бир даврларида оилавий муносабатларни ривожига жамият, жамоатчилик таъсирини ўтказиш, уларни бошқариш зарурати ҳам кучайган. Бу зарурат натижасида никоҳ билан боғлиқ муносабатлар келиб чиққан. Никоҳ оила қураётган икки ёш

ўртасидаги муносабатларни давлат, жамият томонидан муайян ахлоқий, ҳуқуқий мезонлар асосида бошқарилиши зарурати натижасида вужудга келган. Никоҳ икки ёш розилиги асосида қайд қилинади ва ўзаро ишонч, ҳурмат ва муҳаббатга таянади. Никоҳ – оилага, жамиятга, фарзандларга нисбатан бўлган маънавий, ҳуқуқий бурч ва масъулиятини белгилашдир. Никоҳ муқаддас ҳисобланиб, оила барқарорлигини асосий омили бўлиб қолмоқда.

Янги туғилаётган янги авлоднинг маънавий шаклланиши никоҳнинг ҳаққонийлиги ва оиланинг мустаҳкамлигига боғлиқ.. Оила мустаҳкам бўлса, жамият ҳам мустаҳкам бўлади. Жамият барқарор бўлади. Ислом фалсафаси ва ҳуқуқшунослигини етук билимдонларидан бири Ризоуддин ибн Фахриддин оиланинг жамият ҳаёти ва тараққиётидаги ўрни, аҳамияти ҳақида қуйидаги фикрларни айтган эди: “Инсонлар дину-дунёларини тузатмоқчи бўлсалар энг аввало гўзал хулққа эга бўлиши билан оилаларни тузатсинлар! Оила тузалгандан сўнг ҳам дин, ҳам дунё тузалади”¹.

Оиланинг шаклланиши ва ривожланишига асос бўлган ахлоқий, ҳуқуқий, ижтимоий омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Оила икки жинсга мансуб бўлган ёшларнинг балоғатга етиб бирлашуви, табиий эҳтиёж, муайян анъаналр, ахлоқий қадриятлар, ҳуқуқий мезонларга танияб бирга турмуш қуришидир.

2. Оила инсонларга хос бўлган ахлоқий қадриятлар, ўзаро ҳурмат, ишонч, муҳаббат, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйғуларини турмушда намоён бўлишидир.

3. Оилада болалар тарбияси катта ижтимоий аҳамиятга эга. Болалар ақилли, одобли, меҳнатмсевар, халол, иймонли, инсофли бўлишидан ота-онагина эмас балки биринчи навбатда бутун жамият манфаатдордир. Чунки жамият тараққиётини маънавий етук, жисмоний соғлом ёшларгина таъминлай олади.

¹ “Шарқ юлдузи” журнали, 1992 йил, 10-сон, 84-бет.

4. Оилада кишиларнинг қариндошлик, қариндош уруғликка асосланган муносабатлар шаклланади. Хатто Қуръони Каримда ҳам бунга катта эътибор берилган. Нисо сурасида “Оллоҳга ибодат қилинглари, унга ҳеч кимни шерик қилманглари. Ота-онага, қариндошларга, етимларга, қамбағалларга, оддий кишиларга, оила аъзоларингизга яхшилик қилинглари”¹.

Тарихий маданиятимиз, анъаналаримизнинг дасталбки илк илдизлари ҳақида маълумот берувчи “Авесто”да ҳам оиладаги муҳит, эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар, улар бир-бирини тушуниши, кўмаклашиши, меҳр-оқибатлилиги, фарзанд тарбияси билан боғлиқ масъулиятни англаш жамият тараққиётининг асосий омили деб қаралган.

Оила барқарорлигига асосланган ҳуқуқий, ахлоқий мезонлар ҳамма даврларда ҳам айнан бир хил бўлган эмас. Баъзи даврларда оила барқарорлиги заиф, баъзи даврларда мустаҳкам бўлган. Хозир бази мамлакатларда оила қуриш худди ўйинчоқдек. Бунинг асосий сабаби оила муносабатларига оид маънавий омилларнинг заифлигидир. Ёшлар ҳаётга енгил-елпи қараб баъзан ота-оналар билан маслаҳатлашмай турмуш қурадилар. Орадан кўп ўтмай ажрашадилар. Натижада кўплаб гўдақлар етим қолиб, ота-она меҳридан махрум бўлмоқдалар. Етимлар уйида болаларни кўпайиши жамият ҳаётидаги маънавий инқрозни кучайишига олиб келади. Оиладаги маънавий муҳитнинг даражаси демографик жараёнларга ҳам таъсир этмоқда.

Масалан: Маълум ижтимоий-сиёсий, маънавий омиллар таъсирида 1995-2025 йиллар мобайнида жаҳон аҳолисининг ўсиши 5.702 миллиондан 8.312 миллионга ошади. Шундан Осиё аҳолиси 3.451 миллиондан 4.9939 миллионга, Африка аҳолиси 720 миллиондан 1.510 миллион кишига етади. Европадаги қатор мамлакатларда эса аҳолининг камайиши кутилади. Бу даврда Россия федерациясида аҳоли 147 миллиондан 153 миллионга етади, 6 миллионга кўпаяди. Бу ҳам асосан Шимолий Кавказ, Олтой, Сибирда яшайдиган аҳоли хисобига.

¹ “Қуръони Карим” “Нисо” сураси, Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1992 йил, 36-бет.

Россияда 1995-1996 йиллар давомида ўлганларнинг сони туғилганлар сонидан 2 баробар ортиқ бўлган. 1997 йилда мамлакатда 274.9 минг никоҳ қайд қилинган бўлса 258.7 мингта оила ажралиб кетган.

Буларнинг асосий сабаби миллий кадриятларни менсимай кўйилганлиги, парнографик кинофильмларни кўришиши оилада маънавий мухитнинг соғлом емаслигидир.

Бу ўринда аҳоли сонини камайиб кетишига яна бир асосий сабабларидан бири аҳолини моддий турмуш даражасининг оғирлашишидир.

Авестонинг “Ясно”,³³ бобида айтилган хикматли,ибритли фикрга эътибор бериш керак: “Еб-ичмайдиган одамларнинг тоат-ибодат қилишга кучи бўлмайди,эр-хотинлик вазифасини адо етишга қувватлари етмайди...

Ёмон овқатланган халқ на яхши,кучли ишловчиларга ва насоғлом,бақувват болаларга эга бўлади...

Ёмон овқатланишдан ахлоқ ва одоб ҳам айниб кетади.Оналарга, болаларга, кўп фарзандли оилаларга катта моддий ёрдам кўрсатилаётган Ўзбекистонда вазият бутунлай бошқача. Инсонпарварликка таяниб бу борада кўп хайли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин афсуски, кўчаларда, бозорларда тиланчилик қилиб юрган, аравачаларда бировнинг оғир юкини ташиётган, бошқаларни чўнтагига қўз олайтираётган мингаб балоғатга етмаган болаларни кўриб ачиниб кетасан. Буларнинг аксарияти ота-оналари гивохванликка, ичкиликбозликка берилиб кетиб, фарзандларини қаровсиз қолдирган оилалардан чиққан.

Ўқимаган, тайин ётар жойи бўлмаган, қорни тўйиб овқат емайдиган, касалманд, маънавият, ахлоқ ва одоб қоидалари, миллий кадриятлар хақида тасаввури ҳам йўқ, яхши касб-хунар нима эканлигини билмайдиган, ҳеч кимдан меҳр-оқибат кўрмаган болалар катта бўлгач жамият хаётида қандай ўрнини топади. Бундай катта муаммони ҳеч ким эътиборсиз қолдира олмайди.

Хозир Ўзбекистонда болалар билан ишловчи ота-оналари олдига кайтарувчи, меҳр-мурувват уйларига жойлаштирувчи ташкилотлар бор. Бу иш билан ички ишлар ҳам шуғулланмоқда

Аёлларнинг яшаш ва ишлаш шароитлари масаласида ҳам ўйлаб кўришга тўғри келади.

Туғиш ёшидаги аёлларнинг 60-70 фоиз камқонлик касалига учраган. Юрак, кон томир, ошқозон, жигар, буйрак касалликларига аёлларнинг 26.4-38.7 фоизи дучор бўлганини ҳам айтиб ўтмоқ керак. Ҳар йили мамлакатимизда ўртача 680 мингдан ортиқ аёлнинг кўзи ёриydi. Аёлларнинг кўзи ёригач, орадан кўп вақт ўтмай яна хомиладор бўлиб қолиши уни саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қишлоқда 20-25 ёшлардаги келинларнинг 40 фоизи ҳар йили фарзанд кўради. Натижада ҳар 1000 чақалоқдан 50 таси чала, учдан бир қисми нуқсонлар билан туғилмоқда.

Ўзбекистонда ҳукумат томонидан кўрилаётган тадбирлар туфайли оналар ва болалар ўлими йил сайин камайиб бормоқда. Аммо бу ижобий ютуқлар қониқарли деб бўлмайд.

4-мавзу: Комил инсон

Комил инсон – бир идеал, барча дунёвий ва илхомий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ туташ, фазу кароматдан сероб, сийрати саранжом, калбу эгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот, Навоий тили билан айтганда:

Фонийвашеки, ҳам сўзидур пок, ҳам ўзи,

Хуш давлат ул кишигаки, тушгай анинг кўзи.

Дейдиларки, унда тўрт малака – Жаброил, Мекоил, Исрофил ва Азроилнинг хислати (Азроиллиги – нафсининг қотили эканлиги), Хизрнинг пайғамбарлиги, офтобнинг саховати мавжуд. Унинг кўнгли жоми гети намодай (дунёни кўрсатувчи жом – қадах) етти фалак ва ўн саккиз минг оламни акс эттириб, ғайб асроридан хабар бериб туради. Уни яна Одил, Оқил, Фозил, Фақр хазинаси, Иксири Аъзам (Улуғ малхам), Қиб-ритн Аҳмар (мисни олтинга айлантирувчи жавхар) сифатлари билан тавсиф этадилар. Комил инсон, шундай қилиб одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси, у гўё мутлақ илоҳ билан инсоният ўртасида восита бўлувчи муқаддас ҳилқат. Бундай мартабага мушарраф инсонларни валиуллоҳ, қибла, кутб, ғавс (мададкор), автод (устунлар), абдол (бадал қилинган) деб ҳам улуғлаганлар. Мўътабар китобалрда нақл қилардиларким, дунё шундай зотлар туйфайли барқарор ва осойиштадир, ерни икки қутбида иккита қутби аъзам, тўрт бурчакида тўртта автодлардан, етти иқлимда етмиш иккита абдол доимий кўриқчи бўлиб турар экан, уларнинг бири оламдан ўтса, иккинчиси дарров ўрнини босар экан. Шунинг учун ер юзида ҳар қанча гуноҳ кўпайиб кетганда ҳам, у зеру забар бўлмасдан, ўз ўқидан чиқиб кетмай тураркан, чунки ана шу азиз авлиёлар бандлари гуноҳини Парвардигордан сўраб турар эканлар...

Бу балки ҳақиқат, балки ривоят нақлдир, унга шиониш-ишонмаслик ҳар кимнинг ўз иши. Аммо ривоятлар тагида улкан бир ҳақиқат бор. Бу ҳақиқат шундан иборатки, дунёнинг тинчлиги ва фаровонлиги инсоният бутунлиги ҳақиқатдан ҳам, доно ва оқил, пок ниятли одамлар фаолиятига боғлиқ. Яъни илоҳий поклик ва нафосат, эътиқод ва тафаккур бизни бало-

казолардан асрайди: ҳаётни авайлаб, сақлаб туради. Тасаввуф ўз усули, ҳақиқат деб топган йўли билан шу мақсад сари интилган. Тасаввуф аҳли сиғинган идеал – Комил инсон аслида халқ идеали, адабиёт идеали эди. Бу ҳаётбахш таълимотнинг пешволари яратган асарлар, сўфиёна руҳдаги дostonларни мутолаа қилар эканмиз, ёруғликнинг зулмга, хайрнинг шарга, фази камолнинг нуқсу ноқислик, калтафаҳмлик ва нодонликка қарши омонсиз жангига гувоҳ бўламиз. Воқеан, тасаввуф шайхлари, зулм ва қоронғилик лашкарларига қарши маърифатни қурол қилиб олиб, жангга кирган паҳлавонларга ўхшаб кетадилар (Тустарий: “Маърифат жаҳл-нодонликка қарши жангдир”). Улар Қаъба деб кўнглини тан оладилар, кўнгил райига юрадиган, дунёни кўнгил орқали биладиган ва кўнглига сиғинадиган одам Аллоҳнинг севгани деб чиқдилар. Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асаридан: “Исмоил Даббос дедиким, ҳаж нияти қилиб, борурда Шерозга етишдим. Бир масджидга кирдим. Шайх Мўминни кўрдимки, ўлтуруб хирқасин ямайду эрди, салом қилдим ва ўлтурдум. Мендан сўрадиким, не ниятинг бор? Дедим: ҳаж ниятим бор. Деди: онанг бор? Дедим: бор. Деди: ёниб онанг мулозматига бор... Мен эллик ҳаж қилибмен – бош яланг, оёқ яланг ва зоду ҳамроҳсиз. Барчасин сенга бердим, сен онанг кўнгли шодлигин менга бер!”).

Бу одамлар – жамиятининг тирик виждони эдилар. Кишилар уларга қараб хушёр тортар, дунё беҳудалигидан ўзига келиб, ўз қалбига, қилаётган ишларига разс солардилар, тавба тазарру қилардилар. Уларнинг афъоялу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган.

Моҳиятан олганда, комил инсон ҳақидаги тушунчаларнинг мухтасар мағзим шундан иборат. Аммо бу ҳақда улуғ алломаларнинг қиймати ва аҳамиятини йўқотмаган қарашлари, фикрлари бор. Комил инсон тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олинди, мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда махсус китоблар ёзилган. Шулардан Саййид Абдулкарим Гелоний ва Азизиддин Насафий (XIII аср)ларнинг “Инсони комил” номли рисолааларини махсус тилга олиб ўтиш мумкин. Аслида эса комил инсон тушунчаси биринчи марта Шайх

Қабир номи билан машҳур бўлган Мухъйиддин Ибнал Арабий (1165-1240) томонидан муомалага киритилганини қайд қилмоқ жоиз. Ибнал Арабий наздида комил инсон – бу ақли аввал ёки нафси аввал, ақли кул тушунчалари билан маънодошдир. Чунки Тангри таоло илоҳий нурдан илк марта ақли аввални яратди ва унинг сурату шаклини Комил инсон қиёфасида зуҳур этди. Шунинг учун “Халақаллоҳу одама ало суратар-Раҳмону” (Аллоҳ одамни Раҳмон суратида яратди) деган ҳадис мавжуд. Комил инсон, шу тариқа, Аллоҳнинг Раҳмону Раҳим сифатларига эга бўлди.

5-мавзу: Оилавий муносабатлар маданиятининг диний ва миллий жихатлари.

РЕЖА:

1. Оилавий муносабатлар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги тутган ўрни.
2. Совет тузуми даврида диний анъаналаримизга бўлган таъсирлар.
3. Ислом динида ва диний қадриятларимизда оилавий муносабатга билдирилган фикрлар.

Совет тузуми даврида оила ва оилавий муносабатлар борасидаги миллий ва диний анъаналаримиз хурофий ўтмишнинг сарқити сифатида баҳоланган. Бу эса оилавий муносабатларнинг маънавий илдизларини заифлашишига олиб келади. Ислом динининг оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси ҳақидаги қадриятлари реакцион деб эълон қилинди.

Аёл кишининг обрў-эътибори, оилавий муносабатларнинг жамият ҳаётида, тараққиётда тутган ўрни борасидаги исломий қонун-қоидалар катта ижтимоий, тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Ислом дини ўз даврида оилавий муносабатларнинг адолат ва инсонпарварлик билан боғлиқ мезонларини яратди, аёлларни тирклайин қўйиб юборишга чек қўйди. Қўп хотинлик қаттиқ гуноҳ сифатида баҳоланди.

Ҳар бир эркак имконияти ва шароитига қараб тўртта хотин олиши мумкинлиги тўғрисидаги имлос динида айтилган фикрлар аниқ тарихий шароитдан келиб чиққан кўрсатмадир. Бу борадаги исломий анъанлар ҳар бир эркак хоҳлаганча хотин олиши ва ўз хоҳиши билан хайдаб юбориши мумкинлиги тўғрисидаги эски урф-одатларга нисбатан олға қўйилган ижобий кадам эди. Ўша даврларда қонли урушлар бўлиб, кўплаб эркаклар халок бўлганини ҳисобга олсак, шароит қоидалари ва ҳадисларда илгари сурилган фикрлар инсонпарварлик мақсадлари, миллат, жамият манфаатларини уйланганлиги яққол намоён бўлади. Урушларда вафот этган бев ёш аёллар муайян ахлоқий ҳуқуқий мезонлар чегарасидан чиқа олмай фарзандсиз ўтиб кетиши шахсий фожеа эмас балки, миллат, давлат фожиасидир. Шу сабабли ҳам Пайғамбаримиз ислом дини учун халок бўлган сафдошларининг оилаларига бефарқ бўлмаганлар.

У юксак инсонпарварлик эътиқодидан келиб чиқиб, жангларда халок бўлганларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш, ёш беваларни никоҳга олиш, болаларини тарбиялашни сафдошларидан, маслақдошларидан талаб қилди. Бевалар, аёллар бундай ҳимояга мухтож эдилар. Уларни озиқ-овқат, кийинишдан ташқари аёллик эҳтиёжлари ҳам бор. Жангда халок бўлган дўстининг аёлини никоҳига олиш, фарзандларини тарбиялаш давр мезонлари бўйича юксак инсонпарварлик фазилати ҳисобланарди. Агар шундай қилинмаса бева аёллар ахлоқсиз йўлларга кириб кетиши ёки болалари билан очликдан халок бўлиши турган гап эди. Ҳадисларда айтилишича, “Бева хотинларга ва мискин бечораларга ёрдам берувчи киши гўё тангри йўлида жиход қилувчи, кундузлари рўза тутувчилар билан баробардир”.

Муҳаммад С.А.В.нинг ўзи ҳам инсонпарварлик қадриятларига таяниб, бир неча ҳимоясиз қолган аёлни, сафдошларининг беваларини ўз никоҳига олгани маълум. У 53 ёшига қадар Х.Ҳадига билан ўзаро хурмат ва садоқат асосида умр кечирди. Ислом дини учун бўлган курашлар Ҳадича вафотидан сўнг кучайиб кетди. Кўплаб мусулмонлар жанг майдонида халок бўлди. Бошқа қабилаларга мансуб аёллар ҳам аср олиниб, ҳимоясиз қолди.

Муҳаммаднинг хотинларидан Савда, Хафса, Зайнаб, Умум Салама, Жувайрия эрлари жангда халок бўлиб, бева қолган аёллар эди. Охирги хотинлари Маймуна ёши 50 дан ошган қамбағал аёл эди. Софийна жангда асир тушган, яхудий динига сиғинган араб аёли эди. Уни ҳам асирликдан қутқариб, никохларига олганлар. Мария эса Миср хукмдори томонидан ҳадя қилиб юборилган икки жориядан бири эди. Расули Акрам уни ҳадя сифатида қабул қилмай, қонуний равишда никохларига олган. Натижада Миср билан дўстона алоқа ўрнатилди. Бу иш Византия билан бўлган урушда Миср бетараф бўлиб қолишига сабаб бўлди¹.

Демак кўп хотинлилик масаласи исломгача ҳам бўлган бўлиб, ислом бу анъанани қонун билан белгиланаган, ахлоқий мезонлар билан чекланган.

Оила маданияти ва кўп хотинлилик масаласини чуқур ва холис таҳлил этган олимлардан бири Абдурауф Фитратдир. Фитрат ўзининг “Оила” номли асарида оиланинг моҳияти ва аҳамияти масалаларини чуқур таҳлил этишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича Аллоҳ ва аёлни жуфт бўлиб яшаш, уй жой қилиб насл қолдириш учун яратган. Эркак ва аёл организмнинг физиологик тузилиши ва биологик эҳтиёжлари ҳам шунга мослашган.

Фитрат ўз асарларида кўп хотинликнинг салбий ва ижобий томонларини кенг олиб борган. “Кўп хотинлилик, яъни икки хотинга уйланиш, - деб ёзади. У – бевафолик, фасаду зулм ва инсофсизликка олиб келиши маълум. Бу шариат ҳукмига ҳам, ақл ва виждон ҳукмига ҳам тўғри келмайди². Лекин ҳаёт мураккаб, одамлар ўйлагандек бўлавермайди. Баъзан шафқатсиз урушлар кўплаб эркаклар қириб кетишига, болалари етим, аёллари бева қолишига сабаб бўлади. Аёлни қорин тўйдиришдан, кийинишдан бошқа табиий эҳтиёжлари ҳам бор. Инсон дунёга бир марта келади. Агар оилада фарзанд бўлмаса иккинчи хотинга уйланишга ҳаракат қилади. Бундай ҳолни қоралаб бўлмайди.

¹ Қаранг. “Закон Кунрапа, Алвидо, дунё! Ассалом охират”, 98-105 бетлар.

² Фитрат Абдурауф. “Оила” 17-бет.

Фитартнинг фикрига, ислом дини кўп хотинлиликни ман этмайди, чунки унинг фойдаси ҳам бор. Бу дин зулм хавфи бўлмаса, кўп хотинлилик жоиз деб буюради.

Хўш, бу зулм хавфи нима, зулм хавфи-аёллар ҳаққига хиёнат қилиш, камситиш, кадр-қимматини ерга уришдир. Яъни хотинларига нисбатан адолатсизликдир. Унинг фикрича эркак “агарда адолат қило олмаслиги эҳтимоли кўпроқ бўлса иккинчи хотинга уйланиш фикридан қайтмоғи керак”¹.

Расул Акрам ҳаж маросимида сўзлаган хутбаларида шундай сўзларни айтган эдилар: “Эй мўминлар, хотинларингиз хусусида Аллоҳдан кўрқинг! Хотинлар Сизга тангрининг омонатидир. Уларни аллоҳ номига сўз бериб олдингиз. Сиз ҳам уларга назокат ила муомала этишингиз лозим”².

Ҳадислардагихайр-садоқатни ўз оилангиздан бошланг, деган фикрлар ҳам ислом дини оилани қанчалик муқаддас деб ҳисоблаганлигидадир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач ҳозирги кунларда оилавий муносабатларнинг маънавий асосларига оид бўлган диний ва миллий анъаналар, қадриятларни тиклаш ниҳоятда катта аҳамият касб этмоқда. Бу миллий меросни эътиборга олиб оқилона ёндошишдир.

Ўзбек оилаларининг маънавий заминлари мустаҳкам бўлишига сабаб бўлган кўплаб миллий анъаналар бор.

1. Ота-онани оғринтирмаслик. Халқимиз орасида шундай мақол бор, “Отасини оғритган эл ичида хор бўлади” деб бежиз айтилмаган. Бу мақол ҳам минглаб йиллик ҳаёт сабоқларини уюштиришга асосланган хулоса, фалсафий хикмат, ёшларга ўғитдир.

2. Ота-она иззат-ҳурматини жойига қўйиш. “Қуш уясида кўрганини қилади”, “Ўз ота-онанга қилганингни фарзандингдан кўрасан”.

3. Фарзандларни ота-онага меҳрибон бўлиши.

¹ Фитрат Абдурауф. “Оила” 19-бет.

² “Закон Кунрапа. Алвидо дунё! Ассалом охират”, 16-бет.

4. Ота-она мулкига кўз олоайтирмаслик. “Яхши ўғил-жон ўртоқ, ёмон ўғил – мол ўртоқ” деган хикматли сўз бор.

Ёшлар маънавиятининг биринчи пойдеворини қўядиган меъмор – ота-онадир, оиладаги мухит ва тарбиядир. Ёшларнинг тарбиясига қариндош уруғлар, маҳалла-қуй, кўни-қўшнилар ҳам катта таъсир кўрсатади.

6-мавзу: Жамоатчилик фикрининг оилавий ҳаёт ва ёшлар тарбиясига таъсири.

РЕЖА:

1. Маҳалла ва кўни-қўшниларнинг ҳамжихатлиги оилавий ҳаёт ва ёшлар тарбиясига таъсири.
2. Инсон ўз-ўзини англашда жамоатчиликнинг ўрни ва аҳамияти.

Фарзанд тарбиясида кўни-қўшнилар таъсири ва маҳалладаги мухитга боғлиқлиги сабабли ўзбеклар барча даврларда жамоатчилик фикрига таянганлар. “Ховли олма, кўшни ол”, “Кўшнинг тинч бўлса, сен ҳам тинчсан”, “Қиёмат куни кўшнидан”, деган мақоллар ижтимоий мухитнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини, аҳамиятини юксак даражада ифодалаган хикматлардир.

Ҳар бир оиланинг тинчлиги – ёнма-ён яшаётган кўшниларнинг ҳам тинчлигидир. Шу сабабли оилалар ўртасидаги илқ, самимийлик маҳаллалар ва қишлоқлардаги кўни-қўшничилик муносабатларнинг асосий шаклини ташкил этади.

Эр ва хотин, фарзандлар жамоатчилик фикрини ҳурмат қилгани учун оиладаги майда икр-чикирларни ҳаммага овоза қилмай, тинч йўл билан ҳал қилганлар. Турмушнинг қувончли кунларида, мотам дамларида кўни-қўшнилар маслахатчи ва кўмакдош бўлганлар. Ҳар бир оилани ички аҳволини ҳеч ким кўни-қўшнисичалик яхши билмайди. Бу ҳақда ҳадисларда қуйидаги хикматли сўзлар айтилган. “Кўшниларингиз яхши одам дейишаётган бўлса, демек сиз яхшисиз. Аммо, улар сизни ёмон дейишаётган бўлса, демек сиз ёмон одамдирсиз”. Жиддий келишмовчиликлари бўлган

кўплаб эр-хотинлар, оталар ваболалар маҳалла жамоатчилигининг аралашуви, кексаларнинг насихатлари натижасида ярашиб кетганлар.

Жамоатчилик кўни-кўшнилар олдидаги бола тарбиясига бефарқ карамаган. Ёшлар ахлоқий нопокликка йўл қўса биринчи галда ота-онасига танбех берганлар. Агар ундан ҳам фойда чиқмаса, ноқобул фарзанднинг ўзи билан суҳбатлашиб, тўғри йўлга солишга ҳаракат қилганлар. Ота-оналар ҳам кўни-кўшни ва маҳалла жамоатчилиги олдида хижолат чекканлар. Ўтмишда жамоатчиликни тан олмаганларни, кулоқ солмаганларни маҳалладан, қишлоқдан кўчириб юборганлар. Ота-она учун маҳалладан “Отанга раҳмат”, деган сўзни эшитиш олий мукофот бўлган.

Халқнинг “Онаси мақтаган қизни олма, эл мақтаган ол”, деган мақолида эл холис баҳо берилиши мумкинлиги акс этган. Шунинг учун ҳам совчи қўйишда қизнинг камчилигини, юриш туришини қандайлигини кўни-кўшнилардан суриштирилади.

Фарзандларнинг ўз ота-онасига бўлган муносабати ҳам жамоатчилик эътиборидан четда қолмаган.

Ҳар бир оиланинг тинчлиги барча кўни-кўшниларнинг бутун маҳалланинг тинчлигидир. Бир уйда эру-хотин, фарзандлар ва ота-оналар ўртасида доимо жанжал бўлса, уруш бўлаверса кўни-кўшниларнинг тинчлиги ҳам, ёшларнинг тарбияси ҳам бузилади. Бундай жанжалкаш оилаларни яраштириб қўйган кишилар ҳам бундан ўзлари учун ҳам хулоса чиқариб оладилар.

Одамзодда қизиқ бир хусусият бор. Ҳамма бошқаларга насихат қилишга устаю, аммо ўзлари амал қилмайдилар. Гўзал хулқ ва ахлоқ тўғрисида чиройли сўз айтган одамлар ўзлари ҳеч иккиланмай ахлоқсизлик қиладилар. “Домлани айтганини қилу, қилганини қилма”, деган фикрнинг мазмуни ҳам худди шу маънони англатади

Жамоатчилик фикрининг инсон ўз-ўзига англашидаги ўрни ва аҳамияти каттадир. Инсон ўз-ўзига баҳо беришда ўзи ҳақидаги фикри юқори бўлганлиги сабабли бошқаларнинг хато ва камчиликларини тезроқ ва кўпроқ

кўради. Инсон ўзига холис баҳо бера олмаганлиги, тўғри англаш имкониятига эга бўлмаганлигидан келиб чиқади. Хақиқий инсон бошқаларга баҳо беришдан олдин ўзининг ким эканлигини аглаб олиши керак. Ўзини ангамаган кишининг фикри ҳам бирёқлама бўлади. Одатда ашаддий ўғри, каллакесар, фрибгар, иғвогар, ахлоқсиз кишилар ҳам қилмишларини асослаш учун маънавий асос излайдилар.

Инсон ўз-ўзини олдаса ҳам жамоатчиликни алдаши қийин. Ютуқ ва камчиликларимизни ўзимиздан кўра бировлар яхши кўради. Шу сабабли ақлли, меҳрибон ота-оналар ўз фарзандларининг қилмишларига, юриш-туришига кўни-қўшнилар, жамоатчилик фикрини эътиборга олиб баҳо берадилар.

Ота-она учун дунёда фарзанддан ширин нарса йўқ. Қарға боласини оппоғим дейди, типратикон юмшоғим дейди, деган гап бор халқда. Кўпинча ота-оналар фарзандларининг ота-она жahl устида махаллага шикоят қилсалар ҳам, қариндош-уруғлари ҳам аралашадилар. Бундай жонкуярликлар ва ҳимоя ахлоқсизлик, жиноят қилган болани янги қаҳрамонликларга илхомлантиради.

Оилаларда бўлган келишмовчиликлар, жанжаллар, ахлоқсизликлар кичик жиноятларга баҳо беришни ақлли, обрў-эътиборли, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган оқсоқолларга топширилиши лозим.

Бу ишда самарали йўл фаълу-атвори мухокама этилаётган шахсни ўз виждонига мурожаат қилишга ўргатишдир. Инсон ўз қилмишини хато эканлигини виждонан англаб етгани маъқулроқ бўлади. Ахлоқий суд – инсон виждон амри билан ўзи устидан ўзи ҳукм чиқаришидир. Агар инсон бирор қонунсиз ишни қилиб қўйиб, жамият ва жаоматчилик олдида жавоб бериши керак бўлса, бу жиноят дейилади. Агар бирор ишни қилиб қўйиб, ўз-ўзи олдида жавоб бериши керак бўлса – бу виждонан тахлилдир.

Қонун – давлатнинг виждонидир. Виждон эса инсонни тўғри йўлга солувчи ички руҳий қонундир. Фақат виждон орқали инсон бошқаларнинг гапига қулоқ солади, ахлоқи ва ҳуқуқ мезонларига амал қилади, англайди.

Пайғамбаримизнинг ҳадисларидан бирида шундай дейилган: “Рўза, намоз ва садақа қлишидан ҳам афзалроқ амал, бу икки кишини яраштириб кўйишдир. Бировларни ўртасини бузиш диннинг қиронидир”. Шариат қонунларида ҳам эр-хотинни ўртасини бузиш зулми харом дейилган.

Ўзбек оилаларининг қариндош-уруғ, кўни-кўшни, маҳалла куй билан муносабатларига асос бўлган маънавий омиллар, ҳамкорлик, ҳамдардлик, маслахатгўйлик, ғамхўрлик, оғир ва енгил дамларда бир-бирига елкадош, кўмақдош бўлиш фазилатлари ҳам киради. Бу борадаги маросимлар, анъаналар, урф-одатлар бу миллий бойлигимиз, қадриятларимиздир.

Ўзбекларда битта болага етти кўни-кўшни ота-онадир, деган гап бор. Кексалар айниқса ёшларни юриш-туришига бефарқ қараймайдилар. Ҳар қадамда уларни тарбиялашга, тўғри йўлга солишга харакат қиладилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги кўплаб маҳаллаларда ва қишлоқларда бу борада кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Тарихан шаклланган, жамоатчилик фикри асосида сақланиб келган бундай анъаналар етимларга, бева-бечораларга, беморларга меҳр-мурувват, раҳм-шафқат кўрсатиш масаласида айниқса кучли бўлган. Бу борада ҳадиси шарифларда шундай дейилган. “Ён қўшнисини оч туриб, ўз қорнини тўйғазиб юрган одам мўмин қомил эмас”.

Оилани мустаҳкамлаш, ёшларни тарбиялашда жамоатчилик фикрининг кучи ва таъсиридан қенг фойдаланиш ҳозирги кунда ҳам қатта аҳамият қасб этмоқда.

9-МАВЗУ: Ота-она ибрати ва унинг ғоявий тарбия жараёнида тутган ўрни.

РЕЖА:

1. Ойлада маънавий муҳитни шакллантиришда ота-онанинг роли.
2. Ота-она муносабати ва уни фарзанд тарбиясига таъсири.
3. Бузғунчи ғоялардан сақлашда ота-онанинг роли.

Барча даврларда ота-оналарнинг катта ҳаётий тажрибаси, бир-бирига ҳурмат, садоқати, муҳаббати, ҳамфикрлиги, иймонлиги, Ю инсофлиги, меҳнатсеварлиги, оилапарварлиги фарзандлар учун камолот мактаби бўлиб келган. Бу мактабда бир умр унутилмайдиган, эътиқодига чуқур сингадиган сабоқ олган.

Фарзанд ота-она ибрати моҳиятини руҳан, виждонан ақл-идрок билан англайди. Ҳаётда оғир-енгилликларни кўп кўрган ҳалол меҳнат қилиб кун кўришга одатланган ота-она фарзандларига яхши тарбия бериш имкониятига кўпроқ эга бўлади. Шу сабабли Расули Ақрам ҳалол меҳнат қилиб бола-чақа боқиш уларга ахлоқ-одобдан сабоқ беришнинг савоби напл намоз савоби билан тенгдур, деб айтган эди.

Бир доно отанинг уйланаётган ўғлига қилган қуйидаги насихатлари диққатга сазовордир. У шундай деган экан: “Хотин киши ширин сўз шайдоси, унга доимо ширинмуомалилада бўл, лекин назокати ва ифбатни талаб қил. Нуқсонни бўлса ётиғи билан тушунтир, уни ҳеч маломат ва ҳақорат қилма, акс ҳолда у чувалчангдек беозор хотин аждарга айланади. Мулоимлик ва ширин сўз билан хотин кишини абадий дўстга айлантириш мумкин. Дунёда хотиндан садоқатли дўстни топиб бўлмайдир”.

Юқоридаги сўзларда оилавий муносабатларга оид миллий ахлоқ мезонлари, қадриятлар тизими кўзга ташланади. “Доимо кулиб турадиган эрнинг хотини дунёдаги энг бахтли аёлдир”, деган ҳикматли сўз ҳам юқоридаги фикримиз исботидир.

Ўғил бола ўз урм йўлдошини ҳурмат қилиши отасидан, қиз бола ўз эрига қандай муносабатда бўлишни асосан онасидан ўрганади. Ҳадисларда ёзилишича: “Имон жихатдан мўминларнинг комилроғи ҳулқи яхши бўлгани, хотинларга ҳосли муомала қилганидир”, “Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишингизни тавсия этади, чунки улар оналарингиз, қизларингиз, ҳолаларингиздир”. Оилада ахлоқий қадриятларнинг ҳоссаларини худди шу фикрлардан изламоқ керак.

Оилада эр ва хотиннинг ўзаро муносабатига, фарзанд тарбиялашдаги масъулиятига жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатлар ҳам таъсир этади. Фақат адолатли жамиятдагина эр ва хотин ўртасидаги муносабат тенглик ва тенгҳуқуқлилиқка таяниш мумкин.

Ота-она ҳаётда билиб-билмай фарзандларини ранжитадилар. Адолатсизлиқка йўл кўядилар. Фарзандларини ноўрин ранжитиш, уларни тирик етим қилишдир. Фарзанд ақл-хушли бўлиб қолган даврд халол хотини устига хотин олган маишатпарастлик йўлига ўтган ота, болаларини ташлаб кетган она болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Бундай пайтда фарзанд рухан эзилади, ёру-дўтслари, маҳалла-қуйдаги одамларнинг юзига тик қарайолмайди. Бундай сабаблар билан боғланган армон улар қалбида чуқур из қолдиради.

Айрим ота-оналар фарзандларини халол меҳнат қилиб пул топишга ўргатмай, жиноят ишга бошлайдилар. Охангарон шаҳрида истиқомат қилувчи, олдин икки марта қамалган Эшонқулов деган шахс 2000 йил бошида ўғлиги ҳам дўконларни ташлаб, тижоратчиларни алдаб, кўрқитиб пул ундиришга ўргатди. Ота боланинг жиноий режалари узоқ давом этмади. Улар бирга қамалдилар. Бунда ота ўз фарзандини бахтини бир умрга қора қилгани эмасми.

Баъзан айрим оналар ўз фарзандларига нисбатан шундай бемехр бўладиларки, уларда инсоний қалб, виждон бормикин, деб қоласан киши. Анжидон вилояти Пахтаобод тумани милиция ўҳодимлари томонидан меҳр-мурувват уйига топширилган Дилафруз исмли қизнинг тақдири бунга мисол бўла олади. Унинг онаси эри билан ажрашгач, совдагарчилик мақсадида турли шаҳарларга қатнай бошлаган. Лекин у ёш қизчасини бировлардан олган қарзи ҳисобида бериб кетган. Хатто бир куни қизини Жиззахлик бегона одамга 100 дона қовунга ҳам қафолат сифатида ташлаб кетган. Қизчанинг онаси келавермагач, қовун сотган одам, автобусга ўтқазиб Андижонга жўнатиб юборган. Қаерга боришини билмай кўчада юрган қизчани милиция ходимлари топиб олган.

Айрим холарда ёш болаларини ота-онасига ташлаб, маишат, мол дунё излаб бошқа жойларга кетиб қаолиётган, ёш гўдакларни она меҳридан жудо қилаётган аёллар ҳам кам эмас. Бундайларни инсоний қиёфасини йўқотган, хайвонлардан ҳам тубанлашиб кетган кишилар дейиш мумкин.

Фарғоналик Нилуфар исмли ёш қизча ҳам дайдиб юриб Анжидонга келиб қолган. Милиция ходимлари унинг онасига, кекса бувисига хабар беришса ҳам ўз фарзандларини олиб кетишмаган.

Ота-она фарзандини хаддан ташқари эркалиб, айтганини қилаверса ҳам бир куни бориб пушаймон бўлиб қолиши мумкин. Фарзанди қилган ёмон қилиқлардан, хатто жинойтларидан ота-оналари бир умр афсусланиб, маҳалла-куй олдида хижолат чекиб, рухий изтиробга қолиши мумкин.

Бундай ота-оналар фарзандлари қилган ножўя ишларга ўзлари айбдор эканини кейинроқ тушунадилар, пушаймон бўлиб юрадилар. Халқ, сўнги пушаймон, ўзингга душман деб бекорга айтмаган.

Анжидон шаҳрида яшовчи бир бадавлат одам шаҳар бозори ичидан бир дўкон очиб берган. Дўкондан тушган пулнинг бир қисмини яшириб қолиб, ўртоқлари билан ароқ ичиб, қимор ўйнаб юрган.

Тижоратчилик ҳам уни жонига тегиб, отасига институтга кириб ўқимоқчилигини айтган. Аммо институтга кириш учун тайёргарлик кўрмай дўстлари билан ичкиликбозлик қилиб юрган. Нихоят кунларнинг бирида ичкилик орқасида жанжал кўтарилган. Қосимжон пичоқ билан дўстига ташланганида дўстлари ажратиб уйига ташлаб келишган. Лекин у тинчимай пичоқ олиб кўчага чиққанида, тасодифан учраган бир дўсти уни милиция ходимлари қўлидан қутқариб, уйига олиб бориб қўймоқчи бўлганида уни кўкрагига пичоқ уриб ўлдирган¹.

Мана шу муттаҳам деб бегуноҳ ёш йигит ҳаётдан кўз юмди, ота-онаси бошига ҳам оғир мусибат тушди. Бунга биринчи ўринда ота-она айбдордир.

Сабабсиз кўп хотин олиш оилавий ҳаётни тушунмасликдир. Эркакнинг бахти кўп хотинлик олишда эмас, балки бир соғлом, садоқатли, халол аёл

¹ “нас посту” газетаси, 2000 йил, 7 январ.

билан турмуш куриб, фарзанд кўриш, ширин, бахтли ҳаёт кечиришдир. Имом ал Бухорий айтганларидек, “Кимки ўз оиласи ичида тинч, тани соғ яшаса ва оилада шу кунига етадиган таоми бўлса, у одамга бутун дунё берилган бўлади”¹.

Тарихга назар ташласак ота-боболаримиз бўлган туркий халқлар оиласида аёл кишининг қард-қиммати ниҳоятда юксак бўлган. XVI асрда Туркистонга келган адаб саёҳи Ибн Гаутута Хоразмшоҳларнинг хотинлари катта ҳуқуқларга эга эканлигини, элчилар, сайёҳлар билан бемалол суҳбатлашиши, давлатни бошқариш юзасидан маслаҳатлар бериб туришини ёзади.

Қадимги ота-боболаримизда кўп хотин олиш одамти бўлмаган. Зиё Рўкашнинг ёзишича “Эски туркларда завжа битта бўлади! У яна шундай ёзади: “Ҳокон қабул қилган ҳар бир фармон”, “Ҳокон ва хотин амридирки”, деб бошланарди. Элчилар ўнг томонда ҳокон, сўл томонда хотин ўтиргандагина улар олдига кира олган. Қабулларида, кенгашларда, курултойларда, ибодатларда, маракаларда, уруш ва сулх мажлисларида хотин ҳокон билан баробар бўлади. Ҳоконнинг ҳукмронликдаги шериги бўлмиш хотинга “Туркан” унвони бериларди².

Хотинлар ўқ отиш, от чопиш ва турли қахрамонликлар кўрсатишда эркаклардан қолишмас эдилар. Хотинлар қалъа ҳокими, валий, элчи бўлишган. Эркаклар хотинига хурмати баландлигидан бирор ерга бормоқчи бўлсалар хотинларини аравага ўтқазиб, ўзлари арава ортидан пиёда борганлар. Аёлларнинг вафодорлиги, шарм-ҳаёлиги маънавиятимиз ва рухиятимизга сингиб кетган қадриятларимиздир. Буюк бобоколонимиз ҳам оилани муқаддас деб ҳисоблаганлар. Амир темур хонадонида ҳам аёллар эъзозланган, аёлларга чексиз хурмат ва ишонч билан қаралган. Унинг оқила, донишманд, вафодор, садоқатли умр йўлдоши Бибихонимга хурмати айниқса катта бўлган. “Сароймулкихоним” даражасига эга бўлган. У ўттиз уч йил

¹ Имом ал Бухорий, Ал-Адаб алд Муффрид. Т. “Ўзбекистон”, 1990. 97-бет.

² Зиё Гўкаш. “Туркчилик асослари”. 109-бет.

сохибқироннинг сафдоши, ғамхўри, суянган тоғи бўлган. Темурийзодалар ҳам ўз хотинларига атаб боғлар, мадрасалар, масжидлар, хашаматли мақбаралар барпо этишган. Бобур авлодидан бўлган Шохжахон Жамна дарёси бўйида ўз умр йўлдоши Аржуманд Боун бегимга атаб Тож Маҳал мақбарасини қурдирган.

Болалар оилада ота-онаси ўртасидаги муносабатни ҳам мустаҳкамлайди. Фарзанд бўлмаса ҳар қандай кучли муҳаббатга дарз кетиши мумкин.